

**РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ–АМАЛИЙ  
МАРКАЗИ**



**Оила кутубхонаси**

**Фармонова Музаямхон Нигмановна**

**Қадриятлар - маънавий  
камолот асоси**

**Тошкент-2016**

**Фармонова Музаямхон. Қадриятлар - маънавий камолот асоси.**

**Т: РОИАМ, 2016, 28 бет.**

Мазкур рисолада ёшларни маънавий камолот асосида тарбиялашда қадриятларнинг ўрни очиқ берилган. Миллий, маънавий тарбияда ота-она ва фарзанд муносабатлари акс этган. Ёшларни турли гуруҳларга кириб қолиш сабаблари, “оммавий маданият”, аллома ва олимларнинг фикр ва қарашлари ёритилган.

Рисола ёшларга, ёш ота-оналарга, маҳалла фаолларига, шу соҳада иш олиб бораётган тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Мазкур рисола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг А-1-069 рақамли “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида яратилди.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази Илмий-услубий кенгаши йиғилишининг 2016 йил 10 октябрдаги 4-сонли баёни билан нашрга тавсия этилган.

**Нашр учун масъул:**

**Ҳ.Х. Мамадалиева** – Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори в.б., иқтисод фанлари номзоди

**Такризчи: Д.Юсупова** – филология фанлари номзоди, **А.Навоий** номли ТАДУ

## Сўз боши

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, оила, маҳалла, таълим муассасалари фаолиятига, она ва бола соғломлигига, фарзандларни миллий маънавий кадриятлар асосида тарбиялашларига катта аҳамият берилмоқда.

Маълумки, оила ўзида кўп асрлик ўзбек миллатига хос бўлган маънавий кадриятларимизни, анъаналаримизни, удумларимизни, расм-русумларимизни, маънавий, маданий меросимизни сақлаб, кадрлаб келмоқда. Оилада шаклланган ўзбек миллатига хос бўлган муомала маданияти, меҳр-оқибат, мурувват, андиша ва ор-номус каби туйғулар нафақат тарбия вазифасини ўтайди, балки инсоний кадриятларни, фазилатларни намоён бўлишида, комил инсонни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Оилада ота-онанинг тинч-тотувлиги ва ўзаро меҳр-муҳаббати уларнинг дунёқараши, маънавий савияси, қизиқиши, эътиқоди, моддий тенглиги, жамиятдаги мавқеи, хусн-латофати, қалбларининг мойиллигига боғлиқдир. Зеро, бундай оилада тарбияланган фарзандлар гўзалликка иштиёқманд, рухий тетик, бағри бутун, ҳаётга қизиқувчан, тинч-тотув оилавий ҳаёт кечиришга тайёр бўлиб ўсадилар. Шарқда миллий кадриятларни шакллантириш оиладан бошланади. Жумладан, дастурхон атрофидаги суҳбат асносида ёшлар катталарнинг сувга тупурма, нон устига нарса қўйма, ноннинг увоғи ҳам нон, ёши улуғларнинг йўлини кесиб ўтма, ота-онанга гап қайтарма, устозингни ҳурмат қил каби насиҳатларни эшитиб ҳар хил ривоят, мақол ва ҳикматларни қулоғларига сингдириб оладилар. Ёшлар бизнинг келажагимиз, улар ота-она ва аجدодларимиз ишининг давомчилари ҳисобланади. Бизнинг мақсадимиз маънавий кадриятлар асосида комил инсон тарбиялаш экан, комил инсон энг аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Комил инсоннинг хислатлари – ёқимлилик, кўркамлилик, жозибадорлик, салобатлилик, ҳурматга сазоворлик, улуғсифатлик, ўзига хослик,

*“Буюк тарихда ҳеч нарса  
изсиз кетмайди. У  
халқларнинг қонида,  
тарихий хотирасида  
сақланади ва амалий  
ишларда намоён бўлади.”*

*Ш.Мирзиёев*

етуклик, жиддийлик, маданийлик, одобрилик ва бошқалардан иборат. Дархақиқат, инсон фақат тарбия орқалигина инсонийликка эришади. Инсоннинг ақлу идроки, ижобий ва салбий хулқи, одоби, комиллиги, миллий фазилатлари атроф-муҳитни, уни ўраб олган шахсларни, нарса ва ҳодисаларни теран, эркин баҳолашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ёшларни маънавий дунёқарашини мустаҳкамлашда миллий қадриятларга оид бой маънавий меросимиз бўлган қадриятлардан фойдаланишда “Авесто”даги “Эзгу уй – эзгу фикр – эзгу амал” тизими бўйича фикр юрита олишликни амалга ошириш; “Қуръони Карим”, “Ҳадиси Шариф”лардаги манбалар бўйича ёшлар онгига маънавий рухий покликнинг мезонлари ва тамойилларини сингдириш; Абу Наср Фаробийнинг фозил одамлар ҳақидаги таълимоти асосидаги таълим-тарбияни амалга ошириш; Абу Райхон Беруний ва Абу Али Ибн Синоларнинг педагогик ва фалсафий қарашлари асосидаги таълим-тарбияни ташкил этиш; Юсуф Ҳос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий асарларида тасвирланган бенуқсон инсонлар ҳақидаги таълимотлари асосидаги таълим-тарбия; Алишер Навоийнинг адолатли жамият ва комил инсон таълимоти асосидаги таълим-тарбия ва шу қабилар орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу рисолада миллий қадриятлар асосида комил инсон, ватанпарвар, она-юрт ҳимояси учун фидойи, садоқатли ёшларни тарбиялаш масаласи имкон қадар ёритилди. Шундай экан, марказида инсон турган бугунги кунда миллий ва маънавий қадриятларни қадрлаб, уларни тарбия жараёнлари орқали ёшлар онгига сингдиришга барчамиз масъулият билан ёндашишимиз зарур.

**Хафиза Мамадалиева**  
иқтисод фанлари номзоди,  
Республика “Оила” илмий-  
амалий маркази директори в.б.

## Миллий қадрият ва оила

Ҳар бир халқнинг миллий қадриятларини – унинг тарихи, маънавияти, маданияти, ўзига хос урф-одатлари, анъаналарисиз тасаввур қилиш қийин. “Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва улар томонидан баҳоланиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим”<sup>1</sup>. “Қадриятлар – жамиятда кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси”<sup>2</sup> назарда тутилади. “Қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча”.<sup>3</sup> “Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча”<sup>4</sup> – деган таъриф берилган. Бу эса ўз ўрнида қадриятларнинг илмийлигини ва серқирра, ўзига хос эканлигини кўрсатмоқда. Миллий қадриятлар – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакллари дир. Дунёда ўзига хос қадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, менталитети, яшаш тарзи, маънавияти ва маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли қадриятларга эътибор кучайди. Негаки, миллий қадриятлар юртимиз мустақиллигининг маънавий пойдеворидир. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос тарзида сақланиб келаётган миллий қадриятлари узок тарихий жараёнларда шаклланган. Улар она юртга эҳтиром, авлод-аждодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги билан тавсифланади. Қадриятларни фақат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушуниш, изоҳлаш илмий жиҳатдан тўғри эмас.

<sup>1</sup> Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт (илмий ишлар тўплами). –Т; “Ўзбекистон”, 1997.Б.198;Комилов Т., Абидова С. Миллий ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. ЎЗР ФА, “Фан”,2000.Б.20;Ортиқов Н. Маънавият:миллий ва умуминсоний қадриятлар. - Т; “Ўзбекистон”,1997.Б.48.

<sup>2</sup> Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати. (А. Жалолов ва Қ.Хонназаров умумий таҳририда). – Т; Шарқ, 1998, Б. 279

<sup>3</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-мағбаа ижодий уйи”. Т; 2010. Б. 707.

<sup>4</sup> Тарбия энциклопедияси. 2010. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Б.509.

Маълумки, кадриятлар ўз моҳиятига кўра хилма-хилдир. Улар орасида табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий кадриятлар алоҳида ажралиб туради. Бироқ, шундай бўлса-да, кадриятларнинг энг олийси инсоннинг ўзи, унинг ҳаёти, ҳукуқи ва эрки, соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади. Инсон кадр-қимматини, шарафини улуғлаш-жамиятимиз покланиши ва равнақининг муҳим омилидир<sup>5</sup>.

Ғуломхон Ғофуров миллий анъаналарга бағишланган мақолаларидан бирида **миллий кадриятларнинг** қуйидаги кўринишларини тилга олган: 1) табиий кадриятлар; 2) иқтисодий кадриятлар; 3) ижтимоий-сиёсий кадриятлар; 4) маънавий кадриятлар; 5) ахлоқий кадриятлар.<sup>6</sup> Жумладан, “Ота-боболаримиз илм ўргатиш билан бирга фарзандларимизга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган **миллий-маънавий, ахлоқий кадриятларни** сингдирганлар.<sup>7</sup>”; “Ўзбекларнинг аксарияти яқин одамларнинг, қўшниларнинг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги **маънавий кадрият**, инсон қалбининг гавҳаридир<sup>8</sup>”; “Иқтисодий кадрият – иқтисодий муносабатлар жараёнида шахслар ўртасидаги ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, ишончлилик каби фазилатларнинг амал қилинишини англатадиган тушунча”.<sup>9</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланишича, - “Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини, унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар бу борадаги энг муҳим омиллар сифатида келтирилган. Ҳар бир кадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади”.<sup>10</sup>

Мустақиллик йилларида тарбия масаласида қўлга киритилган ютуқларимиз қатори оилада, мактаб ва жамоат ташкилотларида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг, анъаналарнинг, устуворлигига эришилди.

<sup>5</sup> Тўланов.Ж. Кадриятлар фалсафаси. – Т; “Ўзбекистон”, 1998. Б.333.

<sup>6</sup>Ғофуров Ғ. Миллий анъаналар//Халқ сўзи, 1993 йил. 11 февраль, Б. 2

<sup>7</sup> Жалолов. Ҳ. Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги. Тарбия. №2 (6), 2006. Б.13

<sup>8</sup> Қодирова. О. Оилавий келишмовчиликлар. Тарбия №2 (6), 2006. Б. 22.

<sup>9</sup> Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт. – Тошкент; 2010. Б. 241

<sup>10</sup>Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. 2008. Т; “Маънавият”, Б-177-178.

Бу эса ёш авлодга бой тарихий, миллий-маънавий кадриятларни сингдиришда жуда қўл келмоқда.

Сафо Очил ўзининг “Мустақиллик ва тарбия масалалари” номли рисоласида, – “Миллий кадриятлар ота-боболардан бизгача етиб келган удумлар: Рўза ҳайит, Қурбон ҳайит, Наврўз, Наврўз тантаналари, уруғдон экиш ва ҳосил байрамлари, бешик тўйи, суннат тўйи, ўғил уйлантириш ва қиз чиқариш билан боғлиқ тўйлари, жой тўйи, қазо билан боғлиқ турли маърака-маросимлар, шунингдек халқнинг ҳар хил анъаналари – ҳашар, ота-оналарга ҳурмат, ёшларга шафқат, қарияларга мурувват, миллий одоб-ахлоқ нормаларига итоат қилиш, илм олиш, оила мустаҳкамлигига эришиш, устозлар қадрига етиш, вафот этганлар қабрини зиёрат этиш, халққа муҳаббат, Ватанни севиш ва ардоқлаш, аскарликка ўз ихтиёри билан бориш, байналмилалчи бўлиш, мулойим ва ширинсуханлик ва шу кабиларни ўз ичига қамраб олади”.<sup>11</sup>

Миллий кадриятларнинг асоси бўлган маънавият ва маданият деганда, инсон хулқ-атворининг гўзаллиги, саховатлилиги, олийжаноблиги, ваъдасига вафодорлиги, ҳаёлилиги, билим олиши, донолиги, бағри кенглиги, одоблилиги, озода ва покизалиги, қалбининг беғуборлиги, хушмуомалалиги ва шу сингари ёқимли урф-одатлар тушунилади.

Қадимдан ота-боболаримиз илм-ҳунар ўргатиш билан бирга, фарзандларимиз қалби ва онгига авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий маънавий, ахлоқий кадриятларни сингдирганлар. Улар илм ва ҳунар ўрганишга чанқоқ, ота-она, бобо-бувилар, оила, маҳалла, фарзанд олдидаги бурчини идрок эта оладиган, катта-кичик, қўни-қўшни олдида ўзини тута оладиган маданиятли, яхши хулқ-атворли фарзандлар тарбиялаганлар.

Ота-она ўз фарзандлари билан бевосита ва билвосита мулоқотда бўлиб уларни маънан озуклантирар экан, энг аввало, ўзлари ўзаро муомала жараёнида намуна бўлишлари, ҳамда фарзандларини кўпроқ тинглаб, гапиртиришга ҳаракат қилишлари, сўнгра ўз фикрларини ахлоқ меъёрларига риоя қилган ҳолда суҳбатга оид, ҳикматлар, мақоллар, ҳаётий мисоллардан келтириб тушунтиришлари жуда муҳимдир. Таъкидлаш жоизки, диққат ва маҳорат билан эшитиш одоби ва малакасига –“маҳорат билан эшитиш” билимларини эгаллаш орқалигина эга бўлиш мумкин. Албатта, ижтимоий ҳаёт давомида оилада ота-она ва бола ўртасида турли воқеа ва ҳодисалар, хатоликлар ўтади. Унутмайликки, “Беайиб

---

<sup>11</sup> Сафо Очил. Мустақиллик ва тарбия масалалари. Т; “Ўзбекистон”, 1995. Б.5-6

парвардигор”, яъни , илмий тилда айтганимизда инсон яратилибдики, хато қилишга мойиллиги бор.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланишича, - “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, **оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир**. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиатини ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”.<sup>12</sup>

Шундай экан, оилада ножўя иш қилиб қўйган бола йиғлаганда дарҳол бақариб, дўқ уриб “ҳозироқ йиғини тўхтат,” - деб қаттиқ гапириш ярамайди. Чунки бола нотўғри, ёки айб иш қилганини ўзи ҳам англаган ва кўрқиб кетганидан йиғлаб юборган. Бу ҳолатда ота ёки она болани бағрига босиб, тинчлантириб, унга эҳтиёт бўлиш кераклигини айтишнинг ўзи кифоя. Аксинча, ота-она ўзидан итариб, уни жазолаб, кўпол муомалада бўлса бола “стресс” ёки “шок” ҳолатига тушиб унинг нутқиға, фикрлашиға, эшитиш, хулоса чиқариш қобилиятиға салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Кўп ҳолларда кечки пайт ёки нонуштадан олдин фарзандлар ота-онаға мурожаат қилганларида улар болани охиригача тингламай, “ҳозир вақтим йўқ”, “шошиб турибман”, “ҳалақит берма” каби зайлда боланинг эҳтиёжини қониқтирмайдиган жавоблар берадилар. Бундай муносабат болага салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, ундаги иждокорликни, ташаббускорликни сўндиради, унинг оила аъзолари билан фикр алмашиш, фикр олиш, маслаҳатлашиш кабилардан воз кечишиға, ҳаттоки аста-секин ота-онадан узоқлашишиға олиб келади. Юқоридаги вазиятлардан узоқроқ бўлиб рисоладагидек муносабатларни шакллантиришда алломалардан бизға мерос қолган ахлоқий, маънавий, маданий қадриятларни билиш, ўрганиш ва ҳаётда қўллаш мақсадға мувофиқдир. Шу ўринда аллома Юсуф Хос Ҳожибнинг - «Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: бири тил, бошқаси – юрак. Тил сўз учун, юрак, кўнгил эса шу сўздан лаззатланиши учун берилган», - деган фикрни бериши айна муддао бўлиб, ота-оналарни ва ёшларни гўзал, чиройли сўзлайдиган, маънавий баркамол, одоб ва илм эгаси бўлишларида

---

<sup>12</sup> И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. 2008. Т; “Ўзбекистон”, Б. 52.



алломалар ўгити, миллий фазилатларга йўғрилган ахлоқий кадриятлардан кўпроқ фойдаланиш ва ҳаётда қўллаш вақти келди, деб ўйлаймиз.

## **Ёшлар ва маънавий кадриятлар**

Мустақиллигимиз эълон қилингандан бошлаб Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бормоқда. Мустақил ҳар бир халқ ўзининг давлат тилига эга. Зеро, тилнинг бетакрорлиги шу тилни яратган халқнинг ижтимоий ҳаёт тарзи, урф-одатлари ва менталитетини ифода этиш эҳтиёжидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси “ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”<sup>13</sup> деб алоҳида қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси чин маънода мустақил давлатимизнинг қомусий ҳужжатидир. Ёшлар тарбияси, уларнинг ахлоқ-одоби, ижтимоий ҳимояланганлиги, конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари таҳлил қилинганда, Конституциямизда бу масалаларга оид 70 га яқин атама ва сўз бирликлари мавжуд эканлиги кўрилди. Жумладан, бунёдкорлик, ғояларига содиқлик, юксак масъулият, ижтимоий адолатпарварлик, инсонпарварлик, демократик ҳуқуқий давлат, фуқароларнинг тинчлиги, миллий тотувлик, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналари, кадриятлари, ижтимоий ҳаётда мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги ва эркинлиги, инсон ва жамият муносабатларидаги ижтимоий адолат, дунё ҳамжамиятида халқлар ва миллатларнинг суверен тенглиги, фуқароларнинг эътиқоди, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдидаги тенглиги, шаъни ва обрўсининг дахлсизлиги, фуқароларнинг виждон эркинлиги, адолатли меҳнат, ижод эркинлиги ва ҳар бир шахсни маданий ютуқларидан фойдаланиш эркинлиги, ёш авлодни тарбиялаш ва бепул таълим олиши каби сўз бирликлари ёритилган бўлиб, улар Конституциямизда кафолатланган.

Ахлоқ ва одоб миллий кадриятларимизнинг таркибий қисмидир. “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”.<sup>14</sup>

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т; “Ўзбекистон”, 2012. I боб. 4-модда. Б. 4.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. . Т; “Ўзбекистон”, 2012. II боб. 14-модда. Б. 5.

Дархақиқат, ёш авлодни қонунийлик принциплари асосида ўз халқига, унинг қадриятларига, анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонқуярини тарбиялаб бўлмайди. Биз биламизки, ёшлар ижтимоий гуруҳ сифатида, ўзига хос кўзлаган мақсади ва қадриятларни ифодаловчи инсон сифатида мамлакатдаги ижтимоий тизим ривожига бевосита фаол таъсир кўрсатади. Ёшларни ижтимоий ривожланишини уларнинг маънавий савияси даражаси орқали аниқласа бўлади. Ёшларни маънавий қарашлари уларнинг миллий, диний, ўз-ўзини англаш ҳолатлари, талаблари, уларни ҳаётдаги фаолияти орқали ўз аксини ифода этади. Шу йўналишда ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра ёшларнинг фикрича, одамнинг маънавиятини белгилаб берувчи асосий сифатлар – бу “хақгўйлик” (60,8%), “миллий қадриятларни ҳурматлаш” (55,5%), “ўз халқи тарихини яхши билиш”, “миллий ғурур туйғусини ривожлантириш” (44,2%), “қалб поклиги” (39,1%), “камтаринлик” (39,5%), “миллатлараро ва худудлараро бағрикенглик” (29,6%), “экстремистларга салбий муносабат” (19,5%), “меҳнатсеварлик” (0,5%), “маданийлиги” (0,9%), “билимдонлиги” (0,7%) кўрсатилган.<sup>15</sup> Сўров тадқиқотларда қатнашган респондентлар фикрига кўра, ёшларимизнинг ярмидан кўпи порахўрликни – 54%, такаббурликни – 52,7%, шу билан бирга иккиюзламачиликни – 17,3%, бепарволикни – 14,5%, текинхўрликни – 10,4%, ёлғончиликни – 1,7%, ҳасадни – 0,5%, ғийбатни – 0,6% тухмат, дангасалик ва қўполликни – 0,2% ёқтирмас экан. Ёшларнинг фикри бўйича халқнинг кучи миллатнинг бирдамлилигида, унинг оламшумул аҳамияти аввало иқтисодиётида – 69,7%, мамлакатнинг қуроли кучларида – 44,6%, илмда – 44,4%, сиёсатда – 41,5%, одоблилигида – 37,7% деб таъкидлашган.<sup>16</sup>

Натижалардан кўринадики, ёшлардан “одамнинг маънавиятини белгилаб берувчи асосий сифатлар” сўралганда салбий ахлоқий қарашларни ёмонлаб жуда кам фоиз берганлари, ахлоқий қадрият сифатларига эса юқори баҳо берилганлиги уларни бугунги куннинг етук, баркамол, ватанпарвар фарзандлари дейишимиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, Ватан сўзининг маъносига Ўзбекистон ёшлари алоҳида урғу беришар экан. Ёшларнинг мутлоқ кўпчилиги “Дунёда давлатлар кўп, лекин

<sup>15</sup>Қаюмов Ў. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашув жараёнлари. Т; “Ижтимоий фикр”, 2011. Б.44-45.

<sup>16</sup> Ўша манба, Б. 45.

бизнинг Ўзбекистон ватанимиз – ягона ва ҳеч қаерда топилмайди” деган фикрни билдиришгани мақтовга сазовордир.

Абдухалил Маврулов ўзининг “Ватанни севиш масъулияти” китобида ёшлар ҳақида шундай фикрларни илгари сурган, - “Ёшларимизнинг аксарияти даврнинг руҳини тўғри хис этмоқда. ... Айни пайтда ёшларда ақл ва фаросатнинг мутаносиблигини таъминлашга бўлган интилиш жамият барқарорлигини мустаҳкамловчи омил сифатида баҳоланиши мумкин. ...эришилган ютуқлар қатори ёшларимизнинг айрим қисмида мавжуд бўлган, баъзан янгидан пайдо бўлаётган салбий ҳолатлар, ушбу вазиятга айрим катталарнинг муносабати-ю ўша ёшларнинг бундай иллатларга нисбатан ёндашуви хавотирли. Баъзи ёши улуғларнинг ёшларимиз дунёқарашидаги муайян салбий ўзгаришларга нисбатан “замон ўзгарди, ёшлар ҳам ўзгарди-да ёки бундай ҳолни “табiiй жараён” сифатида таҳлил қилишга уринишлар ҳам мавжудки, бу ҳар қандай илм аҳлини ташвишга солиши табiiй”.<sup>17</sup>“Тўғри, инсонлар ўзгармоқда, қадриятлар трансформацияси юз бермоқда. Аммо бу миллатни, айниқса, ёшларнинг “айнишига” мутлақо сабаб бўлмаслиги лозим”.<sup>18</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаарида, - “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”<sup>19</sup>, - деб таъкидлаган.

Маданият - миллий қадриятнинг асоси бўлиб - кишилиқ жамияти ёки бирор халқнинг ишлаб чиқаришда ижтимоий ва маънавий ҳаётда эришган ютуқлари ҳисобланади. Бу таъриф рус тилидан “Культура” тушунчасининг луғавий мазмунига мос. Қадимги Римда инсон томонидан табиатни ўзлаштириш “Cultura” деб аталган.<sup>20</sup> “Оммавий маданият” тушунчасига ўзбек олимлари қуйидагича таъриф беради, - “Оммавий маданият” - маданият мавжудлигининг мураккаб, ҳамда ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. Оммавий маданиятни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик,

<sup>17</sup> Маврулов А. Ватанни севиш масъулияти. Т:“Sano-standart” Б. 46.

<sup>18</sup> Ўша манба, Б. 46.

<sup>19</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т; “Маънавият”, 2008. Б. 117

<sup>20</sup> Словарь иностранных слов. М;1964. С.348

сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган”;<sup>21</sup> “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати” да ҳам худди шундай изоҳ берилган.<sup>22</sup> Файласуф олим А.Эркаев, - “Оммавий маданият дунёда жуда тез ва кенг тарқалди. Оммавий маданиятда баъзи бир ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий жиҳатлар ҳам кўп. Энг аввало, оммавий маданият инсонни барча соҳаларда, жумладан, маданият ва дам олиш, бўш вақтни ташкил қилиш борасида ҳам индивидуаллигини йўқотган истеъмолчига айлантириб қўяди. Унинг истеъмол қилаётган маънавий-маданий маҳсулотлари, санъат асарлари эса стандартлашган, миллий қиёфасиз (поп-арт) товарга айланади. Мусиқада ва ашулачиликда рэп, рок каби жанрлар, жангарилик, мистик-фантастик фильмлар, триллерлар, блокбастерлар фикримизни тасдиқлайди. Оммавий маданият ниқоби остида вақти-вақти билан пайдо бўладиган турли ижтимоий ҳаракатлар ва гуруҳлар (хиппилар, панклар, рокерлар ҳамда гейлар (бесоқоллар) ҳаракати, антиглобалистлар ва ш.к.), фаҳш ва зўравонликни, вампирлик ва жодугарликни тарғиб қилувчи фильмлар, очикчасига порнографик саҳналардан иборат кассеталар, дисклар ва бошқалар таъсири эса инсон шахсини емиришга, жамиятни дегуманизация қилишга олиб келади”. “...Бундай шароитда ёш авлодни, миллий маданиятни қандай ҳимоя қилиш керак, деган масаланинг ўзи жиддий сиёсий, маънавий ва илмий муаммога айланади”,<sup>23</sup> - деб ҳақли равишда эътироф этади Ш.Ғойибназаров.

Бундай маълумотлар кишини беихтиёр ўйловга солади. Хўш, ўсмир ёшлар ота-она, мактаб, маҳалланинг куршовида, муҳитида, эътиборида ҳ.о. бўлса-да, бундай гуруҳларга қандай илинадилар? Маълумки, инсон ҳуқуқбузарлик йўлига жамият, оила, мактаб билан, узвий алоқанинг узилиши туфайли киради. Бунинг қуйидаги сабабалари бор; а) катталарнинг ўсмирларга шахс сифатида эмас, таъсир объекти сифатида қараши б) ўсмирлар катталар ҳаракатида, ... ўзларига мос бўлмаган ахлоқни кўриб, сезсалар улардан қоча бошлайдилар, натижада, улар ўзларини алдамайдиган, тенг кўрадиган одамни излашни бошлайдилар; в) жуда кўп болалар учун оила ҳаётини мисолларда тажовузкор ахлоқ ва психик жароҳатни келтириб чиқарувчи вазиятларнинг асосий манбаи ҳисобланади; г) ўсмир ўзи яшаётган оилани дўстларининг оилалари билан солиштиради, ундан тўғри ёки нотўғри хулоса чиқаради; д) ўқитувчи ўсмирнинг оилавий шароитини ўрганмасдан муомала қилиши, унинг

<sup>21</sup> Фалсафа: қомусий луғат. – Т; «Шарқ», 2004. Б.313.

<sup>22</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т; Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2010. Б.460.

<sup>23</sup> Қаранг: Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият Т; “Ўзбекистон”, 2012. Б.13-14.

ахлоқи кескин ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин; е) ўсмир ҳаётининг шароитлари (етимлик, жиноятчилик, жисмоний ва психик заифликлар). Жиноятчиликнинг катта фоизи ҳаёт шароити ўта оғир бўлган ўсмирлар, яъни жиноятчи, ота-она ёки ҳар иккови мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи, жанжалкаш оилаларнинг болалари, жисмоний ва психик оғиши бўлганлар ҳисобига тўғри келади. Ўсмир ва ёшларни бундай ахлоқий ҳолатлардан ва турли-туман оғишлардан, иллатлардан, ёмон гуруҳларга кириб қолишдан сақлашда, нажот кўприги бўлиб хизмат қиладиган ягона нарса - бу ўсмир қалбига йўл топа олиш, у билан дўстона, самимий, ўзаро ишонч асосига қуриладиган муносабат ўрната олишдир.<sup>24</sup> Баъзи ота-оналар фарзанди яхши инсон бўлишини истаб, уларга эътиборни ҳаддан ташқари кучайтириб ўзлари билмаган ҳолда унга барча шароитлар, компьютер, қиммат кийим-кечаклар, кези келса қўлига пул, уяли телефон олиб берадилар. Бундай тарбияни илмий тилда (гиперопека) дейилади. Ота-она, кўз қорачиғидай асраб, бутун куч-қуввати ва меҳрини бериб оқибатда боқибёғам, ландовур ёки текинхўрни, меҳр-шафқатсиз фарзандни тарбиялаши ҳам мумкин.<sup>25</sup> Бундай ҳолатларни олдини олишда болани ёшлигиданоқ унинг хулқи шаклланишига, миллий ахлоқий, маънавий - маданий қадриятлар, миллий истиқлол мафқураси асосида Ватанга содиқ, комил инсонни тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

Маънавий қадриятлар амалий жиҳатдан кенг маънода инсоннинг барча хатти-харакати, фаолияти, хулқ-одоби, инсонлар билан бўлган муносабатларида намоён бўлса, тор маънода одамларнинг фалсафий, диний, сиёсий-ахлоқий, ҳуқуқий қарашларида, тафаккур, дунёқарашларида мужассамлашади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг фикрича бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.

Маънавият инсон руҳиятини ифодалайди, яъни ўз-ўзини, ўзлигини англаш, дид-фаросат, ақл-идрок, яхшиликни ёмонликдан, эзгуликни жаҳолатдан, адолатни разилликдан, огоҳликни лоқайдликдан, оқилликни жоҳилликдан ажрата билиш қобилиятини белгилайди. Маънавият чексиз

---

<sup>24</sup> Юсупова Л. Ўзаро ишонч тарбия воситаси бўлсин. - Бола ва замон. №2. 2006. Б.33.

<sup>25</sup> Мажидов Н. Оила – муқаддас Ватан. Соғлом авлод учун. №1.2000. Б.19

борлиқнинг инсон руҳида ифодаланиши, ҳамда комил инсоннинг онги, қалби, виждонидир.

### Миллий қадриятлар ва уларнинг турлари

Инсоният пайдо бўлиши билан унинг тили, урф-одатлари, анъаналари, дини, маданияти, эзгуликни ифодаловчи ахлоқий фазилатлар вужудга кела бошлаган. Уларнинг мазмунида халқнинг ҳаёт тарзи, руҳияти, маънавияти, маданияти, турмуш тарзи, ўй-ҳаёллари акс этган бўлиб асрлар оша қадрланиб келган. Миллий қадрият - миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Қадрият атамаси арабча “Қадр” сўзидан олинган бўлиб, қимматли, фойдали деган маънони англатади. Қадрият – бу табиий ва ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган моддий-маданий, маънавий омиллар йиғиндисидир. Бизнинг менталитетимизга хос бўлган миллий қадриятлардан андиша, сабр-тоқат, вазминлик, мулозамат, сертакаллуфлик, кексаларга ҳурмат-иззат, ижтимоий ҳаётда босиқлик қон-қонимизга сингиб кетган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек халқи **миллий, маънавий қадриятлар** ва ахлоқ-одобга бағишланган махсус, теран таълимотларнинг меросхўридир. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул-хақойиқ” асарлари, “Қобуснома”, Бурҳониддин Марғинонийнинг етти китобдан иборат “Ҳидоя”,<sup>26</sup> Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Мухсиний” деб номланган, ахлоқ-одоб меъёрларини батафсил ёритиб берган асарлари<sup>27</sup> бугунги кунда ҳам қадрланади.

Зиёмуҳаммадов Б. ўзининг “Комилликка элтувчи китоб”<sup>28</sup>да қадрият сўзига қуйидагича таъриф беради, - “Кишини қуршаб турган чексиз кўп нарса ва ҳодисалар, шу жумладан миллий маънавият ичидан ҳам, муайян шахс ёки ижтимоий гуруҳ, ё айнан бир миллат, ёхуд бутун инсоният учун алоҳида аҳамиятга, қадрга эга бўлганларини қадрият дейилади. “Моддий қадриятлар – кишилар моддий эҳтиёжларини қондириб, ўзига хос хусусияти ва шаклларига кўра одамларда алоҳида хис-туйғу уйғотувчи моддий нарсаларга айтилади. Уларга буюк иншоотлар, боғ ва хиёбонлар, антиқа уй-рўзғор буюмлари, тарихий қимматга эга бўлган уй анжомлари,

<sup>26</sup> Марғиноний Б. “Ҳидоя”, 1-жилд. Т; 2001; Яна қаранг “Ҳидоя”, ЎзМЭ, 11-жилд.Т; 2005. Б. 326

<sup>27</sup> Кошифий В.Х. Ахлоқи Мухсиний. – Т; ЎзМЭ, 2010.

<sup>28</sup> Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Т; “TURON-IQBOL” нашриёти, 2006. Б.73.

курол-яроғ, озиқ-овқат, шахсий буюмлар ва шунга ўхшаш нарсалар киради.

Қадриятлар - умумбашарий, миллий ва шахсий бўлиши мумкин;

1. Олам, табиат ва жамиятнинг энг муҳим томонларини, алоқадорликларини ифодалайдиган қадриятлар умумбашарий хусусиятга эга. Бундай қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, умумбашарий абадий қадриятлардир;

2. Муайян бир элат, миллат, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналари, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ қадриятлар миллий қадриятлардир;

3. Инсон, унинг фаолияти, турмуш тарзи, эътиқоди, умр маъноси, одоби, гўзаллиги билан боғлиқ қадриятлар шахсий қадриятлардир.<sup>29</sup>

Қодирова Х. ўзининг “Миллий қадриятлар ва маънавий мероснинг жамият ҳаётидаги ўрни” номли мақоласида, - “Ўзбекистон халқи умуминсоний ва миллий қадриятларга таянади. Буларнинг бири иккинчисини инкор этмайди. Миллий қадриятлар қуйидагидардан иборат, - деб;

1. Халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш руҳининг устиворлиги;

2. Халқ онгида устивор бўлган фикр - дўст ва яхши кўшни бўлиб, тинчлик ва тотувликда, яқиндан ҳамкорликда яшаш;

3. Оила, маҳалла, эл-юрт, Ватан тушунчаларини муқаддас билиш;

4. Ота-она, маҳалла жамоаларига, раҳбарларга юксак ҳурмат-эътибор, бутун жамиятни ҳурмат қилиш;

5. Миллатнинг ўлмас руҳи, миллат маънавиятининг ҳаётбахш манбаи сифатида она тилига муҳаббат, уни севиш;

6. Катталарга ҳурмат-эҳтиром, кичикларга иззат, ҳурмат, деган эътиқодга амал қилиш;

7. Аёл зотига эҳтиром, яъни, муҳаббат, гўзаллик ва нафосат тимсоли, абадий ҳаёт рамзи бўлган аёлни қадрлаш;

8. Сабр-тоқат ва меҳнатсеварлик;

9. Ҳалоллик, меҳр-оқибат<sup>30</sup>ни назарда тутати.

Бир қатор олимлар томонидан ёзилган “Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари” номли китобда Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантириш йўли 4 та асосий негизга асосланади:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқлик;

<sup>29</sup>Тарбия энциклопедияси. –Т; “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010. Б.509-510.

<sup>30</sup> Жалолов Ҳ.Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги.Тарбия. №2-сон.2006.Б.13.

2. Халқимизни маънавий мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
3. Инсонни ўз имкониятларини эркин намоёни қилиш;
4. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, толерантлик <sup>31</sup>

- деб қайд этилгани ҳам айнан миллий кадриятларимиз асосида тарбиявий ишларни ёшлар ўртасида олиб боришда кўпроқ қандай йўналишларга эътибор қаратиш ва тарғибот ишларида маҳалла, оила, жамоат, тарбиявий муассасаларнинг ўрнини кучайтириш зарурлигини кўриш мумкин.

Муаллифлар кадриятлар ва уларнинг турларини қуйидагича ёритишган;

□ **Оилавий кадрият** – бир оила учун маълум бир маънавият тури. (масалан, туғилган кунни нишонлаш);

□ **Миллий кадрият** – миллатнинг асрлар мобайнида яратган маънавий бойликлари, ноёб тарихий обидаларни авайлаб асраш, келгуси авлодларга етказиш, ривожлантириш, ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтириш, маънавий мулкни миллий кадрият сифатида ҳимоя қилиш;

□ **Жамоа кадрияти** – маълум бир маҳаллада, қишлоқда, меҳнат жамоасида бир ижтимоий ҳодиса (оммавий тадбирлар, м-н, ҳашар) урф бўлган;

□ **Умуминсоний кадрият** – жаҳон халқлари учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маданий ҳамда мезонлар мажмуаси мақсад ва интилишларини ўзида ифода этади.<sup>32</sup>

Умуминсоний кадриятлар ва миллий маънавият ўз ўрнида Ислом халқлари маънавияти, Ҳиндистон халқлари маънавияти, Европа халқлари маънавияти, Шарқ халқлари маънавияти йўналишлари қуйидагича ёритилган;

□ **Ислом халқлари маънавиятига** – Араб халқлари; Форсизабон халқлар; Туркий халқлар;

□ **Европа халқлари маънавияти** – Рус маънавияти; Француз маънавияти; Инглиз маънавияти ва ҳакозолар;

□ **Ҳиндистон халқлари маънавияти** – Орий халқлар маънавияти; Дравид халқлари маънавияти;

<sup>31</sup> Тиллаева Г., Юсупов Қ., Бобоев Н., Халдибекова Ф., Юсупов А. Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти” 2009. Б.12

<sup>32</sup> Тиллаева Г., Юсупов Қ., Бобоев Н., Халдибекова Ф., Юсупов А. Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти” 2009. Б.16



□ **Шарқ халқлари маънавияти-** Япон маънавияти; Хитой маънавияти<sup>33</sup>.

Қадрият – оила, жамоа ва жамиятда алоҳида аҳамиятга эга бўлган маънавият туридир. Қадриятларнинг хилма-хил шакллари, моддий, маънавий, миллий, минтақавий, умумбашарий, жамият ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, ҳуқуқий, ва бошқалар. Жумладан, Миллий қадрият – миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Умуминсоний қадриятлар - жаҳон халқлари учун ижобий аҳамият касб этувчи инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маданий ҳамда мезонлар мажмуаси, мақсад ва интилишларини ўзида ифода этади.<sup>34</sup>

### **Мақоллар ва миллий фазилатларда қадрият**

Ўзбек халқ мақоллари ўзида халқнинг миллий маданий қадриятларини, унинг хусусиятларини ўзига хос тарзда акс эттиради. Ўз қадрини билган сўз қадрини билади. Биз йўқотган қадрини қайта топаётган халқмиз. Муқаддас китобларимиз, унутилган байрамларимиз, удумларимиз, одатларимиз тикланаяпти, ўз она тилимиз, тарихимиз, маънавиятимиз, маданиятимиз нафақат мустақил диёримизда балки бутун дунёга танилмоқда. Мен ўзбекман деган ҳар бир фуқаро ўз юрти тарихини, маданиятини, маънавиятини, қадриятларини, тилини, динини, билиши зарур.

Ҳикматлар ва мақоллар дилнинг, умрнинг кўрки бўлиб қадимдан ота-боболаримиз ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб яратганлар ва бизгача қадрланиб, халқ оғзаки ижоди орқали етиб келган. Миллий маданият ва маънавият соҳасида кўплаб ишларни амалга оширган В.Н.Телиянинг таъкидлашича, мақоллар халқнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ маданий қадриятларининг асрлар давомида анъанавий тарзда аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган улкан манбаидир<sup>35</sup>. Бундай миллий маданий қадриятларнинг юзага келиши, албатта, мақол мансуб халқнинг минг йиллик тажрибаси билан узвий боғлиқ бўлиб, уларда оламни англашнинг

<sup>33</sup> Ўша ерда, Б. 17

<sup>34</sup> Темирова Н.Э. Қадриятлар ва ёшлар камолоти. –Т: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2008. Б.26

<sup>35</sup> Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школы «Языки русской культуры», 1996. – С. 241.

ўзига хос тарзи, халқ дунёқараши акс этади. Хусусан, “Андишанинг оти – кўрқоқ”, “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Болали уй – бозор, боласиз уй – мозор”, “Бош омон бўлса, дўппи топилади”, “Ёқаси қолса ҳам – беқасам”, “Маслаҳатли тўй тарқамас”, “Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши” каби мақолларда<sup>36</sup> миллий-маданий жиҳатлар бор бўйи билан акс топган. Қадимдан кишининг айбини юзига дангал айтмаслик, истиҳола қилиш ўзбекона одобнинг ажралмас қисми саналган. Шунинг учун бўлса керак, ўзбекларда “Андишанинг оти – кўрқоқ” каби мақоллар яратилган. Мазкур мақолнинг мазмуни “бирор киши кимнидир нафсониятига тегадиган гап айтса-ю, ўша киши мулоҳазали эканлиги боис унга муносиб жавоб қайтармайди. Аммо мулоҳазасиз киши яна ўшандай гап-сўзларни қилаверса, унга кинояли тарзда “Андишанинг отини кўрқоқ қўйманг” тарзида жавоб берилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида унга қуйидагича изоҳ берилган: 1.Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза. 2.Умуман фикр, мулоҳаза. *Қандайдир андиша тутди тилини.* А. Мухтор. 3.Шарм-ҳаё, ор-номусга амал ҳисси. *Биз Зулфия опанинг ёнларида бўлиб, у кишидан нафақат журнал ишини, одоб-андишани, ҳалолликни ҳам ўргандик.* “Саодат”<sup>37</sup>. Ўзбек миллатига хос ибод, ҳаё, хушмуомалалик, юзга тик қарамаслик, ўзаро муносабатларда катталар ҳурматини жойига қўйиш каби фазилатлар доимо устун тургани ва “бетгачопарлик” ноҳўя қилиқ, сўзи ўзбек одобига зид бўлган ҳолат бўлгани учун халқда шундай мақоллар яратилган. Ҳозирги ўзбек тилидаги “Етти ўлчаб, бир кес” мақолида ҳам ана шу жиҳат устунлик қилади.

“Бир болага етти маҳалла ота-она” мақолидаги *маҳалла* сўзи қадимдан қадрланиб келган. Чунки, ўз-ўзини бошқаришнинг бу ноёб институти фақат ўзбек миллатларида мавжуд эканлиги, унинг миллий-маданий ўзига хослигини янада оширади. Ушбу мақол ўзбек миллатига хос “Боланинг бегонаси бўлмайди” тарзида тушунилади. Шу ўринда “Болагинамнинг боласи – қандак ўрикнинг донаси”, “Данагидан мағзи ширин”, “Болам – болим, боламнинг боласи – жоним” мақолларининг яратилишига бобо-бувиларнинг, маҳалла-кўйнинг болажонлиги, тарбия масаласида жонкуярлиги каби ахлоқий қадриятлар сабаб бўлган. Шунингдек, ўзбек халқида набиранинг ғоят ардоқланиши ажралмас миллий колорит, қадрият даражасига кўтарилган.

---

<sup>36</sup> Мақолада келтирилган мақоллар Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. ларнинг “Ҳикматнома” китобидан олинди.

<sup>37</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 84-бет.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир мақол таркибида миллийлигимизга хос бўлган сўзлар бор. Масалан, “Тор жойда ош егандан – кенг жойда мушт еган яхши” мақолида **ош**, “Урвоғига чидаган юпқа қилсин” мақолида **юпқа**, “Қазисан, қартасан, асли зотингга тортасан” мақолида **қаз** ва **қарта**, “Ёқаси қолса ҳам – беқасам” мақолида **беқасам**, “Эр-хотиннинг уриши – Дока рўмолнинг қуриши” мақолида **дока рўмол**, “Бош омон бўлса, дўппи топилади” мақолида эса **дўппи** сўзи айнан ўзбек миллатига хос миллий маданий қадр қимматга эга. Юқорида қайд этилган халқ мақолларида миллийлигимизни, миллий фазилатларимизни, қадриятларимизни, одоб-ахлоқимизни, халқимизнинг ўзига хос бўлган маҳалла тизимини, халқимизнинг дунёқараши, ижтимоий ҳаёт тарзи ва ҳ.о.лар мужассам эканлиги кўрилди. Шу ўринда ёшларни ҳар томонлама етук, комил, жамиятда фаол, ватанпарвар бўлишларига эришишда кўйида ҳамкорлик фазилатларини акс этган мақолларни тавсия этамиз. Ҳамкорлик фазилатларини мустаҳкамловчи; -“Кўпдан куён қочиб қутилмас”; “Бирники мингга, мингники туманга”; “Овул бошқа, тилак бир, Бармоқ бошқа, биллак бир”; “Бир бош-бало бош, Икки бош- мардона бош”; “Икки ёрти – бир бутун”; “Йўлдоши кўпнинг қўлдоши кўп”; “Қирқишганлар қирилар”; “Ёлғиз ақл ўзи яхши, Икки бўлса яна яхши”; “Давлат-оғиз бирликда”; “Кемага тушганнинг жони бир”; “Бириккан куч, Бирикмаган куч-пуч”; “Элга эл қўшилса – давлат, элдан эл кетса – меҳнат”; “Арғамчига қил қувват”; “Бир майизни қирқ киши ер”; “Аҳил ишласанг, иш унар, ҳар мушкул осон бўлар”; “Ҳамжихатлик – давлат”, “Ёлғизлик – кулфат”; “Кўп билан кенгаш, маъқулига ёндаш” ҳ.о. мақоллардан фойдаланиш орқали ёшларда ҳикматлар каби қадрият турларини қадрлаш, жамоа бўлиб ишлаш малакаларини мустаҳкамлаш мумкин. Халқ маданиятининг, миллий дунёқарашини, маданий, маънавий ва ахлоқий фазилатларини ҳамда ҳамкорлик ҳаракатларини ўзида акс этган ўзбек халқ мақолларини миллий фазилатлар билан уйғунликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ёшларда фидокорликни намоён этиш учун маънавий муҳит, маънавий фаолият, маънавий қадрият ва ўзликни англаш тизимини яратиш ҳамда шу асосда ёшларда ватанпарварлик ва фидокорлик сифатларини шакллантириш зарур. Биз ўзбек халқининг қадриятлари, миллийлиги, ўзига хос хусусиятларидан, миллий фазилатларидан келиб чиқиб - *ижтимоий, жамоавий жиҳатлар* ва *ахлоқий ижобий ҳамда ахлоқий салбий фазилатларга* ажратиб чиқдик;

**1. Ижтимоий жиҳатлар** – мақсадлилиқ, бунёдкорлик, табиатга муҳаббат, ғоявий курашчанлик, ватанпарварлик, меъёрга риоя қилиш, ижтимоий фаоллик, эътиқодлилиқ, фаолиятда ҳамиша биринчиликка интилиш;

**2. Жамоавий жиҳатлар** – оилага содиқлик, меҳмондўстлик, ибрат олишга мойиллик, бошқаларга қараб иш тутиш, фарзандсеварлик, бағрикенглик, ҳамжихатлик, аҳиллик, дўстга содиқлик, жамоага интилиш, анъана ва урф-одатларни қадрлаш, аҳиллик, оилага содиқлик, бағрикенглик, ҳамжихатлик, бошқаларга яхшилиқ қилишдан завқланиш;

**3. Ахлоқий ижобий фазилатлар** – ҳалоллик, ҳаё, уят ва иболилик, тежамкорлик, саховатлилиқ қаноатлилиқ, сабрлилиқ, виждонлилиқ, инсофлилиқ, шукроналик, харомдан ҳазар қилиш, истараси иссиқлик;

**4. Ахлоқий салбий фазилатлар** – ваъдабозлик, исрофгарчилиқ, хуфёна эгоизм, лоқайдлик, дабдабабозлик, хасадгўйлик, бойлик ва мансабга мутелиқ, бефарқлик.

*Миллатимизга хос бўлган ижтимоий жиҳатларда акс этган, ватанпарварлик, эътиқодлилиқ каби жиҳатлар ҳақида гапирар эканмиз, “Ватанпарварлик”да тўхтаб ўтамиз. Ватан (арабча “ватан” – она юрт) кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати.<sup>38</sup> “Ватанни севмоқ иймондандир” ..Ватанни севмоқ уни ардоқламоқ, қадрига етмоқ энг олий қадриятдир. Ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш оила ва жамиятнинг муаммосидир. Ватан ичра қадриятларни, урф-одатларни, халқ анъналарини қайта тиклаш, аждодлар ҳурматини жойига қўйиш, улар қолдирган маданий- маърифий-маънавий ёдгорликларни қадрлаш, тарихий обидаларни асраш каби эзгуликлар ва фазилатлар жон қадар ширин Ватан туйғусидир.<sup>39</sup>*

Ватан муқаддасдир. Ундан қиммат, ундан азиз, ундан ширин, ундан улуғ неъмат йўқдир. Шу бойликни қадрлаган, ундан чексиз фахрланган инсонгина оиласи, халқи, атроф муҳити, жамиятига меҳр-муҳаббатли бўлади. Инсон она учун қанчалиқ жонфидолик қилса, Ватан учун ҳам шунчалиқ қайғуради, уни ардоқлайди, севади ва қўриқлайди.

*Миллатимизга хос бўлган жамоавий жиҳатлардан* оилага, дўстга содиқлик, меҳмондўстлик, аҳиллик, анъана ва урф-одатларни қадрлаш кабиларни қайд этиб анъана, ҳамда иймон қадриятларида тўхтаб ўтишни

<sup>38</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т; “Шарқ”, 1998. Б.33.

<sup>39</sup> Мусурмонова О. Оила маънавияти миллий ғурур. Т; “Ўқитувчи”, 1999.Б.198.

лозим кўрдик. Ўзбек халқининг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари жуда катта тарихий илдизга эга. Анъаналар, урф-одатлар, маросим ва байрамлар халқнинг, миллатнинг маънавияти, қадриятларининг ажралмас қисмидир. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари замирида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ нормаларини мужассам этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ, миллат, элат уларни кўз қорачиғидай авайлаб-асраш, тараққий эттириш, келгуси авлодларга маънавий қадрият сифатида етказмоғи лозим.

Мустақиллик шарофати билан шарқ халқларининг муҳим қадрияти ҳисобланган “Наврўз”, “Меҳржон” байрамлари, қадимий диний қадриятлар ҳисобланмиш “Рўза хайит” ва “Қурбон хайит”лари халққа қайтарилди. Улар билан боғлиқ расм-русум, урф-одатлар, удумларни давр талабига, инсонларнинг эҳтиёжига мослаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Ўзбек халқи қадимдан тўй турларига бой халқ. Жумладан, Суннат тўйи никоҳ тўйи, соч тўйи, тиш тўйи, бешик тўйи, биринчи қадам тўйи, фотиха тўйи, мучал тўйи, элик ва ундан ортиқ ёшларни нишонлаш тўйлари, рамазон ва қурбон хайитлари ва бошқалар. Бундай қадриятлар ўз ўрнида кишиларда ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳр-оқибат, хайр-саховат, имон-эътиқод, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, дўстлик, тежамкорлик каби фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади. Шунингдек, қадимда тўй-базмларда ўйин-кулгу, шеърхонлик, кураш, кўпқари, аскиябозлик қилинган. Анъаналар мазмунан ҳар бир миллатнинг, халқнинг ва элатнинг менталитетини оилавий хурсандчилик ёки мотам маросимлари, тантаналари тарзида ифода этади. Уларнинг барчаси мазмунан эзгуликка, инсонпарварликка, яхшиликка йўналтирилган маросимлар бўлиб, жамиятнинг ўзгариши ва давр талаби билан шаклан ва мазмунан ўзгариб боради. Баъзи анъаналар маънавий қадрият даражасига кўтарилади. Жумладан, “Наврўз” байрами шарқ халқининг миллий-маънавий қадриятларидан ҳисобланади.<sup>40</sup>

Наврўз - яшнаш, яшариш байрами, табиатнинг уйғониши билан боғлиқ янги куннинг бошланиш байрамидир. “Наврўз” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “нав” – янги, “рўз”- кун, яъни “ янги кун” деган маънони англатади. 21 март кеча ва кундуз тенглашган кун – янги йил – Наврўз байрами сифатида Шарқ халқлари томонидан кенг нишонланади. Наврўз жуда қадимий байрам эканлиги ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги

---

<sup>40</sup> Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий ғурур. Т; “Ўқитувчи” 1999. Б.140.

халқлардан қолган ёдгорликлар”,<sup>41</sup> Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнома”,<sup>42</sup> Абулқосим Фирдавсийнинг “Шохнома”, Хожа Али Термизийнинг “Наврўзнома”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асарларида кенг ёритилган. Ушбу асарларда байрамнинг пайдо бўлиш тарихи, у билан боғлиқ урф-одатлар, расм-русумлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Диний қадрият илдизлари деганда инсон онги ва руҳияти билан боғлиқ диний таълимотларга бориб тақалади. Аждодларимизни диний-ахлоқий қарашларида комил инсон маънавий-ахлоқий камолотнинг тўрт босқичини босиб ўтмоғи лозим. Булар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборат. Буюкларимиз наздида олий ҳақиқатга етишмоқ учун шариат ва тариқатдан хабардор бўлишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун маънавий комил инсон маърифатли, илмли бўлмоғи лозим.

Динларнинг мавзу қамрови жуда кенг бўлиб, улар маънавий-ахлоқий қарашлардан иборат. Унда ҳалоллик, поклик, адолат, иймон, инсоф, қаноат, ростгўйлик, диёнат каби юксак фазилатлар илгари сурилади. Шунинг учун ҳам диний қадриятларда, барча динларни яратилиши учун асос бўлган “Авесто”, “Забур”, “Таврот”, “Инжил”, “Қуръон” каби илоҳий китобларда зикр этилган эзгу ғоялар маълум даражада ўз ифодасини топади. Масалан, кишилик тафаккури ва маънавиятининг энг қадимий тарғиботчиларидан бўлмиш “Авесто” таълимотининг ахлоқий асосларини “эзгу фикр”, яъни фикрлар софлиги, “эзгу калом”, яъни эзгу сўзининг собитлиги, “эзгу амал”, яъни амалларнинг инсонийлигини ташкил этади. Ислом динида юксак инсоний фазилатлар улуғланиб, ёмон феъл-атвор, иллатларнинг инсон ва жамият учун кулфат ва азоблар келтирилиши таъкидланади. Шу ўринда фалсафий қарашлардаги ахлоқий диний қадрият унинг руҳшунослик табиатидан келиб чиқади. Бундай ахлоқийлик ўз-ўзини тарбиялаш, руҳни тубанликдан юксакка, покликка кўтариш билан боғлиқдир. Иймон – кишиларнинг пок, тоза юриши, танани озода тутиши, ёмон ният ва сўзлардан ўзини тийиши, ёмон амаллардан воз кечиши, ножўя ишлардан юз ўгириши, виждонли бўлишидир. Бўри Зиёмуҳаммадов ўзининг “Комилликка элтувчи китоби”да, - “Қуръонда имоннинг ўзига хос мезони саналган саховат, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр-тоқат, тўғрилиқ, вафодорлик ва содиқликка катта эътибор берилган”.<sup>43</sup> Б.Зиёмуҳаммадовнинг китобида келтирилган иймон мезонлари диний

<sup>41</sup> Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т; “Фан”, 1968.

<sup>42</sup> Умар Ҳайём. Наврўзнома. Т; “Меҳнат”, 1990, Б.15.

<sup>43</sup> Зиёмуҳаммадов З. Комилликка элтувчи китоб.Т; “TURON-IQBOL”,2006. Б.191.

қадриятнинг асоси бўлиб инсонларни яхшиликка, меҳр-мурувватликка, атрофдагиларга бефарқ бўлмасликка, оила, маҳалла ва юртига садоқатли бўлишлик фикри илгари сурилган. Ҳадисларда ҳам инсоннинг маънавий камолот мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, билимларнинг қай даражада эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, жамиятга ва ўзига фойда келтирувчи шахс бўлиб етишишда муҳим омил – билим эгаллаш деб қайд қилинган. *Талаби илм фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истизфор айтади, хатто денгиздаги балиқлар ҳам. Билимсизлик - кишиларни нодонликка олиб келади. Билимсиз жамиятда жаҳолат, разолат хукмронлик қилади*, дейилган ҳадиси шарифда. Шунингдек, ҳадисларда билм кишининг фаҳм-фаросатини ўткир, зеҳнини зукко, хотирасини кучли қилиши таъкидланади ва “илму ҳунарни Чин (Хитой)да бўлса ҳам бориб ўрганينглар”<sup>44</sup>, -деб даъват этилади. Шунга кўра, “Олим бўл ёки билим ўргануви бўл, ёки тингловчи бўл, ё бўлмаса билимга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл, бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан”<sup>45</sup>, -дейилган.

Динлар маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳасини камраб олиб, инсонлар фаолиятига ақлий ва бадиий жиҳатдан таъсир этиб келди, уларнинг маънавий юксалишига ёрдам берди. Инсоннинг ташқи гўзаллиги – бу унинг зоҳиран кўринадиган барча амалий ҳаракатлари ва фазилатлари; озода ва покиза юриш, ораста ва саранжом, ўзига ярашадиган кийим кийиш, Оллоҳ ўзи инъом этган гўзалликка гард юқтирмаслик, оддийлик ва соддалик, вазмин ва жиддий муносабатни тушуниш қобилияти эканлигини унутмаслигимиз ва унга риоя қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

### **Миллий истиқлол мафқураси ва қадриятлар**

Ҳозирги даврда миллий ва маънавий қадриятларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамиятининг ошиб бориши, ёшлар камолотидаги ўрни, барчамиз учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз юқорида миллий маънавий, маданий, таълим-тарбия, ахлоқ каби қадрият турлари, унинг моҳияти, инсон тафаккури, дунёқарашига таъсири, комил инсон тарбиясидаги ўрни каби масалаларни имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдик. Шу ўринда ёшлар тарбиясини маънавий қадрият ва миллий истиқлол мафқураси тамойиллари билан уйғунликда олиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>44</sup> Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т; “Камалак”. 1991. Б.51-60

<sup>45</sup> Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т; “Камалак”. 1991. Б.61

Миллий қадриятларимиз, халқимизнинг ўзига хос удумлари, унинг юксак ахлоқий фазилатлари маънавиятимиз ўзагидир. Барчамизга маълумки, бугунги кунда миллий қадриятларни тиклаш, такомиллаштириш, ўзлгимизни билиш, маънавий қадриятлар тизимини яратиш умуммиллий, долзарб вазифалардан биридир.

Юксак маънавий қадриятларни миллий ғоя ва мафкура билан уйғунликда олиб боришда умуминсоний қадриятлар, таълим-тарбия, илм-фан ва ахлоқ – одобнинг ўрни ўзгачадир. Жумладан, ахлоқий тарбия ва ахлоқий дунёқараш ўз яқинлари, Ватани олдидаги бурч ва жавобгарлик хиссиётини шакллантиради.

Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этган ғоялар тизимидир. Унинг **фалсафий, дунёвий ва диний илдизлари** бор. Мафкуранинг мақсади - инсонларни муайян ғояга ишонтириш – бу йўлда маънавий – рухий рағбатлантириш, инсонларни ғоявий тарбиялаш йўлларини уюштириш, инсонларда ғоявий иммунитетни шакллантиришга сафарбар этиш.

Қадрият – унинг моҳияти ва мазмуни, миллий қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг асосий хусусиятларидан иборат. Шунингдек, қадрият мавзуларининг тарихини шарқона қадрлаш, уларга муносабат билдириш жуда муҳим. Истиқлол ва қадриятларга нисбатан қарашнинг ижобий томонга ўзгариши, миллий қадриятларни асраш ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлигини таъминлаш масалаларини ўз ичига қамраб олган.

Миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Халқнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларнинг ўлмас меросидан озиқланади. Адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ўзида халқнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Шунингдек, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади, жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон



эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маънавий ва маърифий йўл билан сингдирилади. У ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдигаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир. Бу – Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг “Ватаним менга нима берди” деб эмас, балки “Мен Ватаним равнақи учун нима қиляпман” деган масъулият туйғуси билан яшаши демакдир.<sup>46</sup> Шу ўринда, миллий халқимизга хавф ва таҳдидлар – *ички хавфлар ва ташқи хавфлар бўлиб улар қуйидагилардан иборат эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир:*

***Ички хавфлар*** – ғоявий бўшлиқ, тарихий хотирага тўлиқ эга эмаслик, ўғил ва қизлар тарбиясига мутаносиб ёндошмаслик, йўл қўйилган хато, камчиликларидан ўкинмаслик ва хулоса чиқармаслик, ғийбат қилиб ҳузурланиш, сўзлашув маданиятига, миллий тилимиз қоидаларига эътиборсизлик, ношукурлик, иккиюзламачилик, дангасалик, шахсиятпарастлик, маҳаллийчилик кабилар киради.

***Ташқи хавфлар*** - маънавиятимизга зид, ёт диний оқимлар таъсири, сохта демократия шакллари сингдиришга уриниш, ғарбона гедонизм ғоявий тазйиқлар, енгил-елпи санъат турларига маҳлиёлик (Рок, Рэп, Металл, Брейк данс ва ҳ.о.), сиёсий-мафкуравий таъсирлар, одобсизлик, уятсизлик тарғиботи, эгоизм ва индивидуализм, ақидапарастлик, экстремизм, бошқа маданият, урф-одатларга берилувчанлик (Валентин куни, Хеволин байрами, севишганлар куни, ғарбона ва шарқона кийинишга мойиллик) ҳ.о.лар киради.

Бундай хавфлардан ёшларни ҳимоя қилиш мақсадида *ёш авлодни қуйидаги миллий истиқлол ва қадриятлар асосида тарбиялаш зарур;*

1. Мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;
2. Ҳур фикрли, журъатсизликдан холи, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш;
3. Одамлар, айниқса, ёшларнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳит яратиш;
4. Ватандошлар тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларни асраш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;
5. Халқимизга хос иймон-эътиқод, инсофдиёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни янада юксалтириш;
6. Мамлакатнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида

---

<sup>46</sup> Миллий истиқлол ғояси: кўргазмали воситалар. Т; «Маънавият», 2001.Б.12.

“Ўзбекистон –ягона Ватан,”<sup>47</sup> - деган тушунчани шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Миллий ўзликни англаш – миллатнинг тили, урф-одатлари, қадриятлари, ҳудудий ягоналиги, маънавиятидаги ўзига хослигидан иборатдир. Миллий ўзликни англаш миллатнинг мустақил эканлиги - миллий манфаатлар, эҳтиёжлар умумийлигини ҳимоя қилиш ва миллий-тараққиётга эришиш ва унинг жаҳон тараққиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш заруриятини англаш<sup>48</sup> билан белгиланади. Ўз-ўзини англаш – бу ўз Ватани ва шу Ватанда яшаган халқнинг, миллатнинг ўтмиши, унинг маданияти, урф-одати, қадриятларини билиши демакдир. Ўзини англаш, ўтган аجدодлар тарихини мукамал билиш ва уларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш – руҳини шод айлаш демакдир. Миллатнинг ўз-ўзини англаши унинг ҳис-туйғулари, иродалари, руҳлари, кайфиятларини ўзгартиради. Миллий ўзликни англаш натижасида ўз мамлакати тараққиётини белгилаш, унинг мустақиллиги учун курашишнинг намунасини беради. Ўз-ўзини англаш – келажакда ўз тақдирини ўзи белгилашда, масъулиятни оширишда муҳим омил ҳисобланади. Ўз-ўзини англаш шундай бир ноёб жараёнки, унинг моҳиятига етиш инсонда битмас-туганмас меҳр муҳаббат, шафқат, умумий инсонпарварликни шакллантиради. Инсонларда миллий англаш бўлмаса, миллий манфаатларни тушуниш қийин.

## Хулоса

Ёш авлодни маънавий қадриятлар асосида тарбиялаш, алломаларнинг ўгити, доно сўзлари, фикрларини қадрлаш, ўрганиш, ҳаётда қўллаш ёшларни фикр ва дунёқарашини кенгайтиради. Бугунги ёшлар – келажак пойдевори. Шундай экан, уларни ҳар томонлама етук, комил, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган фидокор фарзандларни тарбиялаш зарур. Таъкидлаш жоизки, миллий қадриятлар қатори, миллий истиқлол мафкурасининг вазифаси мустақил тафаккур соҳиби, маънавий баркамол, комил инсонни шакллантириш, жамиятни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, кўп миллатли ўзбекистонликлар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик, қонунни ҳурмат қилиш, эл-юрт учун фидоилик, иймон-эътиқод, ҳалоллик каби юксак маънавий сифатларни шакллантириш, миллат шаънини бутун дунёда ҳимоя қилишдан иборат эканлиги унутмаслигимиз зарур.

<sup>47</sup> Миллий истиқлол ғояси: кшргазмали воситалар Т; “Маънавият”, 2001, Б.12.

<sup>48</sup> Тиллаева Г. ва бошқалар. Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т; 2009.Б.31

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3-4
Миллий қадрият ва оила.....	5-8
Ёшлар ва маънавий қадриятлар.....	9-13
Миллий қадриятлар ва уларнинг турлари.....	14-17
Мақоллар ва миллий фазилатларда қадрият.....	17-23
Миллий истиқлол мафкураси ва қадриятлар.....	23-26
Хулоса.....	26

**Фармонова Музаямхон Нигмановна**

**Қадриятлар - маънавий камолот асоси**

Босишга 28.11.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84<sup>1/16</sup>.

Ҳажми 1,75 босма табоқ.

Адади 300 нусха.

64-буюртма

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ да чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4- уй.